



1945–1947-ЙИЛЛАРДА СОВЕТ ИДЕОЛОГИЯСИ ВА МИЛЛИЙ СИЁСАТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КЎРИНИШЛАРИ

Тошкент Кимё Халқаро Университети Самарқанд

филиали “Ижтимоий ва гуманитар фанлар”

кафедраси катта ўқитувчиси

Амирдинов Жаҳонгир Абдумажидович

tel: +99897 929 79 72;

e-mail: amirdinov.jahongir@mail.ru

Аннотация: *Мазкур мақолада 1945–1947 йилларда Ўзбекистон ССРда маданий-маърифий ҳаёт, фан ва таълим соҳалари ҳамда диний жараёнлар устидан амалга оширилган совет идеологик назорати таҳлил қилинади. Москва марказига юборилган махфий ҳисоботлар (РГАСПИ фондлари) асосида республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги қатор муаммолар очиб берилади. Ҳисоботларда театр ва санъат муассасаларининг ижодий салоҳияти етарлича ривожланмагани, миллий адабиёт ва тил соҳасида илмий-услубий камчиликлар мавжудлиги, шунингдек, марксизм-ленинизм классиклари асарларининг ўзбек тилига таржима жараёнида йўл қўйилган зоявий хатолар танқид қилинади. Шу билан бирга, партиявий ўқувнинг сустиги, коммунистлар орасида саводсизликнинг сақланиб қолиши, қишлоқларда маданий-маърифий муассасалар фаолиятининг пасайиши ва аҳоли ичида диннинг таъсири кучайиб бориши кўрсатиб ўтилади. Мақола совет миллий сиёсатидаги марказ ва республика ўртасидаги муносабатларнинг зиддиятли табиати ҳамда маданий ҳаётдаги идеологик назоратнинг чуқурлигини ёритишига қаратилган.*

Калит сўзлар: *Ўзбекистон ССР, совет миллий сиёсати, марксизм-ленинизм, партиявий ўқув, маданий-маърифий ишлар, театр ва адабиёт, тил сиёсати, диний ҳаёт, идеологик назорат, РГАСПИ.*

Кириш



Иккинчи жаҳон уруши туганидан кейинги йилларда Совет Иттифоқи раҳбарияти учун миллий республикалардаги маданий-маърифий жараёнлар, айниқса, фан, таълим ва санъат соҳалари стратегик аҳамиятга эга бўлди. Бу соҳалардаги ҳар қандай сустлик ёки марказий сиёсатдан оғиш идеологик барқарорликка таҳдид сифатида баҳоланди. Шу боис 1945–1947 йилларда Москва марказида тайёрланган ва Ўзбекистон ССР ҳақида юборилган махфий ҳисоботлар республиканинг маданий-ижтимоий ҳаётидаги вазиятни, айниқса, унинг заиф жиҳатларини очиқ берди.

Ушбу ҳисоботларда, бир томондан, Ўзбекистондаги санъат муассасалари (театр, консерватория, балет мактаби) ижодий ва ташкилий жиҳатдан сустлиги, репертуарнинг совет идеологияси талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги қайд этилган. Иккинчи томондан, тарихшунослик ва адабиётшунослик соҳаларидаги тадқиқотлар асосан қадимий ёдгорликларга қаратилгани, совет даври адабиёти ва замонавий ижодий жараёнлар етарли ўрганилмагани танқид қилинди. Айниқса, ўзбек тилида ягона орфография ва грамматик терминологиянинг йўқлиги таълим жараёнида беқарорликка олиб келаётгани алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, марказ учун энг катта ташвиш — марксизм-ленинизм классиклари асарларининг ўзбек тилига таржима қилинишда йўл қўйилган ғоявий ва семантик хатолар бўлди. Бу хатолар партиявий ғоявий ишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин деб баҳоланди. Ҳисоботларда коммунистлар орасида саводсизликнинг сақланиб қолиши, партиявий ўқувнинг заифлиги ва аҳоли ичида диннинг таъсири кучайиши алоҳида таҳлил қилинди. Масалан, паранжи кийишнинг тарқалиши, яширин диний мактабларнинг очилиши ва Қурбон ҳайити муносабати билан чорва ҳайвонларининг оммавий сўйилиши советча модернизация сиёсатини жиддий муаммога дуч келтираётгани таъкидланди.

Шундай қилиб, 1946–1947 йиллар материаллари марказнинг миллий республикалардаги маданий жараёнларга қаттиқ аралашганини ва уларни сиёсий-идеологик назорат остида ушлаб туришга интилишини яққол



кўрсатади. Шу билан бирга, ушбу ҳужжатлар маҳаллий аҳоли ичида миллий ва диний анъаналарнинг кучли сақланиб қолганини ҳам очиқ бериши билан тарихий аҳамиятга эгадир.

Иккинчи жаҳон уруши якунланганидан кейин Совет Иттифоқи миллий сиёсатда янги босқичга қадам қўйди. Марказ учун асосий вазифа республикалардаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни қатъий назорат қилиш ва идеологик бирликни таъминлашдан иборат эди. Бу даврда партия ҳужжатлари, айниқса, РГАСПИда сақланаётган маълумотлар, марказнинг Ўзбекистонга нисбатан муносабатини яққол намоён қилади.

Ўзбекистон ССРда маданий-маънавий ҳаёт устидан кучли назорат ўрнатилса-да, воқеликда жуда кўп зиддиятлар ва сустреклар мавжуд эди. Республикадаги илмий муассасаларнинг фаолияти чекланган ҳолда, улар кўпроқ расмий маърузалар ва формал тадбирлар билан кифояланди. Марказий ҳокимият, бир томондан, миллий ривожланиш учун институционал шароит яратгандай кўринса-да, иккинчи томондан, маҳаллий ташаббусларни шубҳа билан қарши олди ва ҳар қандай мустақиллик уринишларини "идеологик хато" сифатида баҳолади.

Совет миллий сиёсатидаги бу зиддиятли ёндашув Ўзбекистон мисолида янада яққол кўзга ташланди. Бир томондан, маданий ва илмий соҳада катта режалар тузилди, иккинчи томондан эса, уларнинг амалга оширилишида бюрократик тўсиқлар ва кадрлар етишмаслиги жиддий муаммолар туғдирди. Шу тарзда, марказ билан республика ўртасидаги муносабат "ижро этилиши зарур бўлган қарорлар" ва "амалдаги ижтимоий-сиёсий воқелик" ўртасида кескин фарқ яратди.

Совет ҳужжатлари Ўзбекистондаги маданий-маърифий соҳанинг ҳолатида жиддий муаммоларни қайд этган. Жумладан, театр ва санъат муассасалари фаолиятида ташкилий сустрек ва ижодий инқироз намоён бўлган. Масалан, республикадаги театрларда сахналаштирилаётган асарлар репертуари марказ белгилаган идеологик талабларга тўлиқ мос келмаган. Консерватория ва балет соҳаси ҳам шу ҳолатдан мустасно эмас: санъат



муассасаларида замонавий ижодий изланишлар амалга оширилмаган, балки формал ҳисобот учун ўтказилган тадбирлар билан чекланилган.

Адабиётшунослик ва тарихшуносликда ҳам жиддий камчиликлар кузатилган. Илмий тадқиқотларда асосан қадимий ёдгорликлар ва тарихий манбаларга ортиқча эътибор қаратилгани ҳолда, замонавий ўзбек адабиётининг ривожига етарли даражада ўрганилмаган. Бу ҳолат, бир қарашда, миллий меросни тиклашга интилиш сифатида баҳоланиши мумкин. Бироқ марказ нуктаи назаридан, бундай ҳолат партиявий идеологияга мувофиқ келмас эди. Чунки замонавий ижод ва социалистик адабиётни тарғиб қилиш талаб этилар, тарихий ёдгорликларга эса "эҳтиёткорона" муносабат билдириш лозим деб ҳисобланарди.

Шу билан бирга, маданий-маърифий соҳадаги камчиликлар нафақат ижодий ва илмий жиҳатдан, балки ташкилий ва иқтисодий асосларда ҳам намоён бўлди. Масалан, кўпгина маданий муассасалар қиш мавсумида ёпилиб қолар, чунки уларда ёқилғи ва ёритиш воситалари етарли эмас эди. Кинематография ва радио хизматининг қишлоқ жойларга етиб бормагани эса, аҳолини маънавий тарғибот ва замонавий ғоялардан узоқлаштириб қўйди.

Натижада, маданий-маърифий соҳадаги умумий ҳолат формализм ва кам самарадорлик билан тавсифланди. Совет ҳокимиятининг кўрсатмалари ва режалари амалда ижро этилмади, аҳоли орасида эса миллий анъаналар ва диний урф-одатлар қайта тикланиш тенденцияси кучайди. Бу эса марказ учун жиддий идеологик таҳдид сифатида қабул қилинди.

Совет миллий сиёсатида тил масаласи идеологик ва сиёсий назоратнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида қаралди. Ўзбекистон мисолида бу жараён айниқса мураккаб тус олди. Урушдан кейинги йилларда республиканинг илмий ва маданий муассасалари замонавий ўзбек адабий тилини шакллантириш масаласига етарлича эътибор қаратмагани ҳақида марказий ҳужжатларда танқидий қайдлар учрайди.

Илмий орфографиянинг йўқлиги, грамматик ва терминологик бирликнинг таъминланмагани натижасида ўзбек тилидаги ўқув адабиётида



катта ихтилофлар кузатилди. Масалан, умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликларда турлича атамалар қўлланилиши ўқув жараёнида ноаниқликлар келтириб чиқарган. Бу ҳолатни Москва партия маркази "идеологик назоратнинг сустлиги" деб баҳолаган.

Шу билан бирга, тил сиёсати миллий маданий мерос билан зиддиятга киришди. Масалан, ўзбекча таржималарда араб ва форсча сўзлардан кенг фойдаланиш марказ томонидан "совет идеологиясига зид" ҳол сифатида кўрилди. Бу, ўз навбатида, миллий тилнинг тарихий ва маданий қатламларини йўққа чиқаришга қаратилган сиёсатни кўрсатади.

Марказ учун тил — фақат мулоқот воситаси эмас, балки социалистик жамиятни барпо этишдаги асосий идеологик қурол ҳисобланган. Шу боис, ўзбек тилидаги адабий ва илмий матнлар "русий миқёсга мослаштирилган стандарт" асосида шаклланиши талаб этилди. Натижада, ўзбек адабиёти ва тилшунослигида мустақиллик ва миллий хусусиятларни сақлаш имконияти чекланиб қолди.

Совет ҳужжатлари шуни кўрсатадики, 1940-йилларнинг охирига қадар ўзбек тилида марксизм-ленинизм классик асарларининг асосий қисми тўлиқ ва аниқ таржима қилинмаган. Лениннинг «Что делать?», «Шаг вперёд, два шага назад», Сталиннинг «К вопросам ленинизма» каби муҳим асарлари ўзбек тилида мавжуд эмас эди. Бу ҳолат республикадаги идеологик тарғибот ишларини сезиларли даражада сустлаштирди.

Мавжуд таржималарнинг сифати эса жиддий танқидга учради. Масалан, Лениннинг модда ҳақидаги таърифи («Материя есть то, что, действуя на наши органы чувств, производит ощущение») ўзбекча матнда: «Материя — бу ҳис аъзоларимизга таъсир қиладиган ва ҳис туйғусини уйғотадиган нарсадир» каби номутаносиб ва ноаниқ таржима қилинган. Бу каби семантик хато ва таҳрифлар идеологик ғояларнинг моҳиятини бузиб кўрсатган.

Совет маркази бундай ҳолатларни жиддий хавф сифатида баҳолади. Чунки таржима хатолари нафақат ғоянинг нотўғри қабул қилинишига, балки



миллий муҳитда "алоҳида талқин" пайдо бўлишига ҳам олиб келарди. Шу боис, ўзбек тилидаги таржималар нафақат илмий, балки сиёсий аҳамиятга эга масала сифатида кўрилди.

Шу билан бирга, марказ ўзбек жамиятида диний ва миллий мероснинг кучайишини айнан таржимавий камчиликлар билан боғлаб кўрсатди. Марксизм-ленинизм ғоялари халқ орасида кенг тарқалмаса, аҳоли анъанавий дунёқарашга қайтиб қолиши хавфи бор эди. Бу эса, ўз навбатида, мусулмон уламоларининг таъсирини кучайтириб, совет идеологияси учун жиддий рақобат манбаи бўлиб хизмат қилди.

Урушдан кейинги йилларда Совет ҳокимияти учун асосий вазифалардан бири — партия сафига янгидан кирган коммунистларни марксизм-ленинизм асосида мунтазам ўқитиш эди. Лекин Ўзбекистонда бу жараён самарали йўлга қўйилмади. Архив манбаларида қайд этилганидек, республикадаги партия ташкилотларининг бир қисми 1946 йилда қабул қилинган «О росте партии и мерах по усилению партийно-организационной и партийно-политической работы» қарорини суут бажарди.

Расмий ҳисоботларга кўра, республикадаги 125 мингга яқин партия аъзосидан фақат 81 минг киши (65%) турли кўринишдаги партиявий таълим билан қамраб олинган. Қолган қисми эса назардан четда қолган. Шу билан бирга, 17 мингдан ортиқ коммунистлар марксизм-ленинизмни мустақил ўрганаётгани қайд этилса-да, уларнинг фаолиятини партия ташкилотлари назорат қилмаган, йўналтирмаган. Бу эса таълим жараёнида тартибсизлик ва самарасизликка олиб келди.

Энг катта муаммолардан бири — партия сафидаги саводсизлик масаласи эди. Масалан, Самарқанд вилоятида қарийб 300 нафар коммунист ва партия номзоди саводсиз бўлган. Қашқадарё вилоятида ҳам худди шундай ҳолат кузатилган. Аммо маҳаллий партия раҳбарияти саводсизликни тугатиш бўйича жиддий чоралар кўрмаган.

Бу ҳолат совет идеологиясининг амалий таъсирини пасайтириб, миллий муҳитда анъанавий дунёқараш ва диний билимларнинг кучайишига



шароит яратди. Саводсиз коммунистлар ва ҳатто раҳбарлар ҳам диний маросимларда фаол иштирок этгани ҳақида архив ҳужжатлари маълумот беради. Демак, партия таълимининг заифлиги тўғридан-тўғри идеологик назоратнинг сустлигига олиб келди.

1940-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда диний омиллар сезиларли даражада фаоллашди. Бу ҳолат совет маркази учун катта хавф сифатида баҳоланди. Чунки урушдан кейинги иқтисодий қийинчиликлар, мафкуравий тарғиботнинг самарасизлиги ва маданий-маърифий ишлардаги заифлик диний муҳит учун қулай шароит яратган эди.

Архив манбаларига кўра, республикада расмий рўйхатдан ўтган 92 та масжид мавжуд бўлган бўлса-да, амалда уларнинг сони анча кўп бўлган. Масалан, Андижон вилоятида 200 дан зиёд, Хоразм вилоятида 100 дан зиёд масжидлар фаолият юритган. Кўп ҳолларда маҳаллий ҳокимият органлари бу ҳолатга кўз юмиб қараган, ҳатто айрим ҳолларда диний уламоларга ёрдам кўрсатган.

Диний ҳаётнинг кучайиши нафақат масжидлар сонида, балки аҳолининг диний маросимлардаги иштироки ортишида ҳам кўзга ташланди. Хусусан, Қурбон ҳайити давомида оммавий қурбонликлар ўтказилиб, минглаб чорвалар сўйилган. Бу жараёнга коммунистлар, колхоз раислари ва ҳатто маҳаллий партия раҳбарлари ҳам қўшилгани махсус ҳужжатларда таъкидланган.

Шу билан бирга, айрим уламолар томонидан яширин диний мактаблар ташкил этилган. У ерда болалар Қуръон ва ислом таълимотларини ўрганишган. Кўп ҳолларда бу болалар давлат мактабларига бормай қўйган. Бу ҳолат партия раҳбарияти томонидан «идеологик хавф» сифатида баҳоланган, чунки ёш авлоднинг давлат таълимидан четланиши уларни «совет маданиятидан узоқлаштиради» деб кўрилган.

Диний таъсирнинг кучайиши айниқса аёллар ҳаётида намоён бўлди. Масалан, паранжи кийиш одати яна кенг тарқалгани қайд этилган. Бу ҳолат



«совет модернизацияси сиёсати» учун орқага қайтиш сифатида талқин этилган.

Кўплаб ҳисоботларда диний омилларнинг кучайиши партиянинг мафкуравий ишларидаги заифлик, саводсизлик ва маданий-маърифий ишларнинг сустлиги билан боғланган.

ХУЛОСА

1945–1947 йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган совет миллий сиёсати ўз моҳиятига кўра маҳаллий халқнинг асрлар давомида шаклланган тарихий хотирасини, маданий қадриятларини ва диний урф-одатларини чеклашга қаратилган мафкуравий ҳаракат сифатида намоён бўлди. Марказнинг расмий шиорларида “маданий юксалиш”, “маърифат тарқатиш” ва “социалистик дунёқарашни қарор топтириш” каби мақсадлар баён этилган бўлса-да, амалда бу сиёсат миллий ўзликни сиқиб чиқариш, тил ва динга нисбатан бефарқлик ёки ҳатто рад этиш руҳини шакллантиришга хизмат қилди.

Мафкуравий ишлар самарасизлиги, кадрлар етишмаслиги ва саводсизликнинг тўлиқ бартараф этилмагани шароитида, аҳоли миллий анъаналар ва диний қадриятларга янада кўпроқ мойил бўлиб борди. Масжид ва мадрасалар фаолиятининг яширин тарзда тикланиши, диний маросимларнинг оммавий тус олиши, аёллар орасида паранжи анъанасининг қайта кучайиши — халқ онгидаги илдизи чуқур диний-маънавий қадриятларнинг совет мафкураси билан мос келмаганини кўрсатди.

Совет маркази миллий тилдаги асарларнинг йўқлиги, русча асарларнинг сифатсиз таржимаси, ҳамда Ленин ва Сталин ғояларининг сунъий тарзда халқ онига сингдирилишини “идеологик камчилик” сифатида баҳолаган. Аммо аслида бу ҳолат маҳаллий жамиятнинг маданий ва диний анъаналарига зид равишда юритилган сиёсатнинг табиий оқибати эди.

Шундай қилиб, 1945–1947 йилларда Ўзбекистондаги совет миллий сиёсати ташқи жиҳатдан “маданий ривожланиш” ниқоби остида, аслида эса миллий маданият, тил ва динни йўқотишга қаратилган мафкуравий босимни



ифода этди. Бу сиёсат халқ онгида қаршилик шакллари, миллий ўзликни асраб қолиш интилишларини ва диний эҳтиёжларнинг янги кўринишда намоён бўлишини рағбатлантирган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

РГАСПИ. Ф. 17. Оп. 125. Д. 507. Л. 168–177.

Постановление ЦК ВКП(б) «О росте партии и мерах по усилению партийно-организационной и партийно-политической работы со вновь принятыми в ВКП(б)». 12 июня 1946 г.

Еголин А. Докладная записка в ЦК ВКП(б) о положении в Узбекистане. 19 апреля 1947 г.

Northrop, D. Veiled Empire: Gender and Power in Stalinist Central Asia. – Cornell University Press, 2004.

Edgar, A. Tribal Nation: The Making of Soviet Turkmenistan. – Princeton University Press, 2006.